

Адабиётлар

1. Grzywacz Z. Traditional Kazakh medicine in change. – Poznan: 2010.
2. Sobiecki J. The intersection of culture and science in South African traditional medicine // Indo-Pacific journal of phenomenology. 2014. Vol. 14.
3. Абдужаббор Мухаммад Собир ўғли. Асрлар ошган таъбабат. – Тошкент: Davr press, 2007.
4. Абу Али ибн Сино. Тиб қонунлари. – Тошкент: А.Қодирий номидаги халқ мероси, 1992.
5. Абу Бақр ар Розий. Қасалиқлар тарихи. – Тошкент: А.Қодирий номидаги халқ мероси, 1994.
6. Абу Райхан Беруни. Избранные произведения. Том IV. Фармакогнозия в медицине (Китаб ас-сайдана фи-т-тиб). – Ташкент: «Фан», 1973;
7. Алишер Навоий. Маҷолис ун нафос. 13-жилд. – Тошкент: «Фан». 1997.
8. Басилов В. Шаманство у народов Средней Азии и Казахстана. – Москва: «Наука», 1992.
9. Бехзодий. Ўзбекистон халқ таъбабати Академияси. // <http://tib.islom.uz/xalq-tabobati/596-2012-03-06-14-55-51.html>
10. Боситхон ибн Зоҳидхон Шоший. Қонуни Боситий ёки қонун ал-мабсут. – Тошкент: Янги аср авлоди, 2003.
11. Бромлей Ю., Воронов А. Народная медицина как предмет этнографических исследований. // СЭ. 1976. № 5.
12. Махмуд Хаким Яйфоний-Хўқандий, «Тарик ул-илож», 1913. – Қўқон: Шумакоф и К. 1-жилди, 3-4-саҳифа. (Қўқон адабиёт музейи, 70-рақам);
13. Мирвалиев С. Танишинг, шояд сиз ҳам шифо топсангиз (хайратми ё мўъжиза). – Тошкент: «Фан», 2005.
14. Сейфулмулюков И. К вопросу о табибизме в Узбекистане. // Медицинская мысль Узбекистана. Журнал субтропической, лечебной и профилактической медицины. – Ташкент: 1928. № 9-10.
15. Стратегия ЎЗ в области народной медицины 2002–2005. – Женева: Penata Kerr Design, 2001.
16. Уролов А. Утмишда даволаш муассасалари. – Тошкент: «Фан», 1990.
17. Халқ таъбабати Академиясининг Президентга мактуби. // Шарқ таъбабати. – Тошкент: 2008. № 3.

РЕЗЮМЕ

Ушбу мақолада ўзбекларнинг таъбабат анъаналарининг яқин тарихи, ҳолати ва сўнгги йиллардаги таракқиёти ёритилган. Ўзбекистонда халқ таъбабатига доир уюшмаларнинг юзага келиши, уларнинг фаолияти тадқиқ этилган. Шунингдек, табибларнинг турлари ва соҳадаги муаммолари вазиятлар таҳлил қилинган.

РЕЗЮМЕ

В статье освещаются вопросы исторического положения и развития в последние годы традиций народной медицины. В ней собрана информация об истории создания общества врачей в Узбекистане и их деятельности. А также, проанализирована классификация врачей и проблемы которые должны решаться в этой сфере.

SUMMARY

The article deals with the issues of the historical situation and development in recent years, the traditions of folk medicine. The information about the history of the creation of a society of doctors in Uzbekistan and their activities has been investigated. The author of the article also analyzed the classification of healers and problems that should be solved in this area.

ЎЗБЕКИСТОНДА МИЛЛАТЛАРАРО ТОТУВЛИКНИ ТАЪМИНЛАШНИНГ
ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИ ВА УСТУВОР ЙЎНАЛИШЛАРИ

Ф.Қ.Қутлымуратов – юридика фанлари номзоди, доцент

Д.Қ.Хабибуллаева – 3-босқич талаба

Бердақ номидаги Қорақалпоқ давлат университети

Таянч сўзлар: ҳаракатлар стратегияси, халқлар ассамблеяси, миллат, конституция, виждон эркинлиги, диний бағрикенглик.

Ключевые слова: стратегия действий, ассамблея народов, нация, конституция, свобода совести, религиозная толерантность.

Key words: strategy of actions, assembly of nations, nation, constitution, freedom of conscience, religious tolerance.

Ўзбекистон ўз бағрида қўплаб миллат вакилларини бирлаштирган мустақил давлатдир. Миллатлар ўртасидаги тотувлик ва динлараро бағрикенглик халқимизга ҳос азалий қадрият ва олижаноб ғазилат саналган.

Ҳозирги кунда юртимизда жами 130 дан ортиқ турли миллат ва элат вакиллари тинч-тотувликда, фаровон ҳаёт кечирмоқда. Ҳар бир миллат ва элат ўзига ҳос тарихий маданияти, урф-одатлари ва қадриятларига эга бўлиб, юртимизда уларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш, уларга тинч осойишта ҳаёт кечириши учун қулай шароитлар яратиб бериш каби долзарб масалаларга алоҳида аҳамият бериб келинмоқда. Шу сабабдан, мустақиллигимизнинг илк йилларидан бошлаб юртимизда ушбу соҳада кенг ислохотлар амалга оширилди. Дастлаб миллатлараро тотувликни таъминлашнинг энг устувор йўналиши саналган – миллатлар ўртасида турли можароларни келтириб чиқариши мумкин бўлган қўплаб ижтимоий муаммолар ҳал этилди. Шунингдек, республикамизда истиқомат қилаётган қўплаб миллат вакилларининг ҳамжиҳатлигини таъминлаш, уларга барча соҳаларда тенг имкониятлар яратиб бериш ва унинг қонуний асосини яратиш мақсадида бир неча норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилинди. Яъни юртимизда истиқомат қилувчи барча халқларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари ўзининг ҳуқуқий асосларига эга, шунингдек, миллатидан қатъий назар барча фуқароларнинг давлат олдидаги мажбуриятлари ҳам тегишли расмий ҳужжатларида ўз ифодасини топган.

Энг аввало, Ўзбекистон Республикаси Конституцияси 8-моддасида «Ўзбекистон халқини, миллатидан қатъий назар Ўзбекистон Республикаси фуқаролари ташкил этади», – дея таъкидланади [1]. Яъни, юртимиз ҳудудида туғилиб, истиқомат қилувчи ҳар бир киши

ирқи, келиб чиқиши ёки миллатидан қатъий назар Ўзбекистон фуқароси саналади ва бу қонун билан мустаҳкамлаб қўйилган. Айнан, ушбу модда миллатлар ўртасидаги ҳамжиҳатлик таъминлашнинг қонуний асоси саналади. Шунингдек, турли миллат вакилларининг ҳамжиҳатлигини таъминлашнинг устувор йўналишларининг бири диний толерантлик, яъни диний бағрикенглик саналади. Конституциямиз ва бошқа қабул қилинган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда ушбу масалага алоҳида этибор қаратилиб, ҳарбир фуқаронинг ўз динига эътиқод қилиши учун юртимизда барча шароитлар яратиб берилган.

Мамлакатимизда истиқомат қилаётган ўзининг тарихи, маданияти ва бой анъаналарига эга қўплаб миллат вакилларининг ҳамжиҳатлигини мустаҳкамлашда, айнан юқорида таъкидланганидек виждон эркинлигини таъминлаш муҳим саналади. Мустақиллигимизнинг илк йилларида юртимизда диний қадриятларимизнинг қайта тикланиши, шунингдек, бугунги кунда дин соҳасида олиб борилётган оқилона давлат сиёсати натижасида юртимизда динлараро ҳамжиҳатлик қарор топмоқда. Фуқароларнинг ушбу конституциявий ҳуқуқи ўзининг қонуний асосига эга бўлиб, Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 31-моддасида «Ҳамма учун виждон эркинлиги қафолатланади. Ҳар бир инсон хоҳлаган динга эътиқод қилиш ёки ҳеч қайси динга эътиқод қилмаслик ҳуқуқига эга. Диний қарашларни мажбуран сингдиришга йўл қўйилмайди», – деб таъкидланиб ўтилган [1]. Конституциямизнинг виждон эркинлиги масаласига бағишланган ушбу моддаси фуқаролар виждон эркинлигининг ҳуқуқий қафолати бўлиб, фуқаролар миллати ва динга бўлган муносабатидан қатъий назар ҳамма тенг ҳуқуқли саналади. Шунингдек,

динга бўлган муносабатидан қаътий назар, барча фуқароларнинг тенглигини таъминлаш мақсадида 1998 йили 30 апрельда янги таҳрирда қабул қилинган «Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида»ги қонунда ҳам виждон эркинлиги, яъни ҳар бир фуқаронинг ҳар қандай динга эътиқод қилиш ёки ҳеч қандай динга эътиқод қилмаслик конституциявий ҳуқуқи амалда қонун билан кафолатланган [2]. Бугунги кўп миллатли жамиятимизда виждон эркинлигининг таъминланиши, ҳалқимизнинг тинч-тотув ҳаёт кечиришида алоҳида аҳамият касб этади ва турли динга эътиқод қилувчи миллатлар ва элатлар ўртасида можаролар келиб чиқмаслигида катта аҳамиятга эга.

Миллатлар ўртасидаги ҳамжиҳатлик ва диний бағрикенглик масаласи Конституциямизда ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда ўз ифодасини топиши билан бирга, давлатимиз сиёсатининг ушбу устувор йўналишини қундалиқ ҳаётга амалда тадбиқ этиш масаласига ҳам алоҳида катта эътибор берилиб келинмоқда. Шу боисдан, юртимизда миллатлар ўртасида тинчлик ҳамда ҳамжиҳатликни таъминлаш, улар ўртасидаги яқин алоқаларни мустаҳкамлаш мақсадида кўплаб ташкилотлар ва турли маданий марказлар ташкил этилган. Мамлакатимизда узок йиллар давомида фаолият кўрсатган Республика байналмилал маданият маркази, ушбу соҳадаги амалга оширилётган чора-тадбирларни мувофиқлаштиришга хизмат қилди. Президентимиз Ш.М.Мирзиёев ушбу маданият марказ ташкил этилганлигининг 25 йиллигига бағишлаб ўтказилган учрашувдаги нутқида, «...Марказ мамлакатимизнинг барча ҳудудларида ўтказилётган ёрқин тадбирлари асосида маданий ва ижтимоий ҳаётимизни янада теран маъно-мазмун билан бойитмоқда, Ўзбекистонда яшаётган турли миллат ва элат вакиллари ўртасида дўстлик ва бағрикенглик муносабатларини мустаҳкамламоқда»,— дея таъкидлаб [3], ушбу маданият марказининг олиб борган фаолиятига юқори баҳо бериб ўтган эди. Шунингдек, Президентимизнинг 2017 йил 19 майдаги «Миллатлараро муносабатлар ва хорижий мамлакатлар билан дўстлик алоқаларини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармони асосида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузурида янги ташкилот Миллатлараро муносабатлар ва хорижий мамлакатлар билан дўстлик алоқалари кўмитаси ташкил этилди [4]. Бугунги кунда ушбу кўмита республикамизда фаолият олиб бораётган 140 га яқин турли миллий маданий марказларнинг фаолиятини мувофиқлаштириб, юртимиздаги барча миллат вакиллари тарихий ва маънавий қадриятларини ривожлантиришга муносиб ҳисса қўшиб келмоқда. Умуман, бундай маданий марказ ва ташкилотлар мамлакатимизда миллатлар ўртасидаги азалий қардошлиқ ва дўстлик ришталарини яна ҳам мустаҳкамлашда, юртимизда тинчликни ва фуқароларнинг фаровон ҳаёт кечиришини таъминлашда, шунингдек турли минтақаларда юз бераётган миллатлар ўртасидаги можароларнинг юртимиз халқининг маънавий ҳаётига таъсирининг олдини олишга хизмат қилмоқда.

Шуни таъкидлаб ўтиш жоизки, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февральдаги ПФ-4947-сонли Фармонига мувофиқ қабул қилинган 2017-2021 йилларда мамлакатимизни янада ривожлантиришга қаратилган «Ҳаракатлар стратегияси»нинг устувор йўналишларидан бири хавфсизлик, миллатлараро тотувлик ва диний бағрикенгликни таъминлаш ҳамда

чуқур ўйланган, ўзаро манфаатли ва амалий ташки сиёсат соҳасидаги устувор йўналишлар ҳисобланади. Ушбу стратегияда фуқаролик, миллатлараро ва конфессиялараро тинчлик ҳамда тотувликни мустаҳкамлаш ғояси ҳам ўрин олган бўлиб, бу борада давлатимиз ҳукумати томонидан тегишли ислохотлар ва чора-тадбирлар олиб борилмоқда.

Ўзбекистоннинг миллатлар ўртасида тотувликни таъминлаш соҳасида олиб бораётган ислохотлари бутун минтақамиз учун ҳам аҳамиятлидир. Бу борада қўшни республикалар билан ҳамкорликдаги ислохотлар жуда зарур аҳамият касб этади. Минтақамизда миллатлараро тотувлик ва бағрикенглик сиёсатини самарали амалга ошириб келаётган давлатлардан бири сифатида Қозоғистон Республикасини эътироф этиш мумкин. Қозоғистон Республикаси кўп миллатли давлатлардан бири бўлиб, Республикада миллатлараро тотувликни таъминловчи ташкилотининг шакллантирилганлиги жуда катта аҳамиятга эга. Ушбу ташкилот 1995 йили ташкил этилган бўлиб, у Қозоғистон халқлари Ассамблеяси деб номланган. Ушбу ташкилотнинг бошқа ташкилотлардан фарқли томони, бу ташкилот нодавлат ва носийсий ташкилот бўлиб Қозоғистон Республикасининг бу борадаги сиёсатини амалга оширишида муҳим вазифаларни бажариб келмоқда. Бундай ташкилотларнинг фаолият кўрсатиши бутун минтақамизда, жумладан юртимизда ҳам миллатлар ўртасида ҳамжиҳатликни таъминлашда роли беъқиёсдир.

Мамлакатимизда миллатлараро тотувлик таъминлашнинг устувор йўналишлари давлат сиёсати даражасида амалга оширилётган ислохотлар натижасини, юртимизда яшовчи турли миллат вакилларига ижтимоий ҳаётнинг кўплаб соҳаларида яратиб берилётган имкониятларда ҳам яққол намоён бўлмоқда. Фан ва таълим, санъат ва маданият ва бошқа барча соҳаларда ҳар бир миллат фуқаролари учун кенг имкониятлар яратилган. Юртимиз таълим масканларида ўқитиш еттида тилда олиб борилётган бўлиб, мамлакатимизда истиқомат қилаётган кўплаб миллат вакилларининг ўз она тилида таълим олиши учун кенг шаройитлар яратилган. Шунингдек, санъат ва маданият соҳасини раванқ топтириш мақсадида фаолият юритаётган маданий марказлар ва ташкилотлар ҳам миллатлараро дўстлик ва фуқаролар ҳамжиҳатлигини таъминлашда ибратли ишларни қундалиқ ҳаётга тадбиқ этмоқда.

Фикримизча, Ўзбекистон Республикасида миллатлараро тотувлик, динийбағрикенглик муносабатларини янада мустаҳкамлаш ва ривожлантириш борасидаги ислохотларнинг самарадорлигини ошириш мақсадида миллатлараро муносабатларни тартибга солувчи, улар ўртасида тотувлик ва бағрикенглик муҳитини янада мустаҳкамлашга хизмат қилувчи алоҳида давлат ташкилотини шакллантиришни мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз.

Хулоса қилиб айтганда, бугунги ёш авлоднинг ҳар томонлама баркамол бўлиб етишишида миллатлараро ҳамдўстлик, динлараро бағрикенглик тушунчалари долзарб аҳамият касб этади. Жамиятимизда ушбу тушунчаларнинг теран илдизга эга бўлиши, ушбу муҳитда яшовчи ҳар бир фуқаро учун маънавий-тарбиявий аҳамиятга эга. Мамлакатимизнинг миллати, тили ва динидан қаътий назар, ҳар бир фуқаросини Ватанимизга садоқат руҳида тарбиялашда миллатлараро тотувлик ва халқлар ўртасидаги дўстлик ришталарини таъминлаш биз ёшларнинг шарафли бурчимиздир.

Адабиётлар

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. -Т.: 2012.
2. Ўзбекистон Республикаси «Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида»ги қонуни. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Ахборотномаси 1998 йил, № 5-6, 99-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2008, №12 640-модда.
3. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг Республика байналмилал маданият маркази ташкил этилганлигининг 25-йиллигига бағишланган учрашувдаги нутқи. / «Халқ сўзи», 2017, 25-январь, 1-2-б.
4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Миллатлараро муносабатлар ва хорижий мамлакатлар билан дўстлик алоқаларини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисидаги» фармони. / «Халқ сўзи», 2017, 19-май.

Мақолада Ўзбекистонда миллатлараро тотувликни таъминлашнинг ҳуқуқий асослари ва устувор йўналишлари ҳақида сўз юритилади.

В статье описаны правовые основы и приоритеты обеспечения межнационального согласия в Узбекистане

The article describes legal bases and priority directions of ensuring interethnic harmony in Uzbekistan.

ГУМАНИЗМ ИДЕЯЛАРЫНЫҢ ИНСАН РУЎХЫЙЛЫҒЫН ҚӘЛИПЛЕСТИРИЎДЕГИ АҲМИЙЕТИ

Р.Мамбеткаримов, Ж.Бийимбетов – ассистент оқытушылар

Бердақ атындағы Қарақалпақ мәмлекетлик университети

Б.Абдиев - магистрант

Эжиянияз атындағы Нәкис мәмлекетлик педагогика институты

Таянч сўзлар: одоб, урф-одат, маънавият, инсон ҳаёти, адабиёт, жамият, ривожланиш, Конфуций, Демокрит, инсон феномени, гуманизм, ахлоқшунослик, эзулик, ислохотлар, илм-фан, объектив-субъектив фактор.

Ключевые слова: этикет, традиции и обычаи, духовность, жизнь человека, литература, общество, развитие, Конфуций, Демокрит, феномены человека, гуманизм, этика, благодорство, реформы, наука и образование, объективные и субъективные факторы.

Key words: etiquette, traditions and customs, spirituality, the life of a person, literature, society, development, Confucius, Democritus, personal phenomenon, humanism, ethics, morality, reforms, science and education, objective and subjective factors.

Адамзат өз өмири даўамында өз алдына жасаўшы феномен сыпатында бир қатар мәселелерди ортаға қойып келген. Бүгинги күнге шекем усы ортаға қойылған мәселелердиң шешими сыпатында ҳәр қыйлы усулларды, теорияларды жаратып келмекте. Бул жаратылып атырған теориялық усуллар жәмийет раўажланыўында да айрықша орынға ийе.

Бүгинги күнде жәмийеттиң барлық тараўларында белгили дәрежеде раўажланыўлар жүз берип атыр. Бундай раўажланыўларды бир көриниси сыпатында руўхый тараўда жүз берип атырған раўажланыўларды келтирип өтсек болады. Руўхый тараўда жаңаланыўлар ҳәм раўажланыўлардының тийкары сыпатында әдеп ҳәм үрп-әдет, салт-дәстүрлер, әдебият, тәлим-тәрбия тараўларындағы реформаларды айтсақ мақсетке муўапық болады. Атап айтқанда, соларды бири әдебият тараўы инсанның дүньяны танып билиўде өзиниң салмақлы орнына ийе есапланады. Әдебияттың раўажланыўы ең алды менен инсан турмысын толық сәўлендириў менен байланыссы, себеби жәмийетлик болмыстағы бар болған ҳәм инсан идеяларында жасап атырған ҳәр қыйлы ўақыя ҳәм кубылысларды сәўлендирип береді. Әдебиятта инсан руўхыйлығын жетилистирип барыўшы айрықша бир күш бар болып, ол адамларды туўры жолға баслаўшы, ар-намыссы болыўға шақыратуғын, адамды ҳүжданлы болыўға ийтермелеўшы руўхый баслама есапланады. Оны тек ғана адамның этикалық тәрбиялаў куралы сыпатында алып қаралмастан, ол өз гезегинде инсан келбетин жетилистирип барыўшы гөззаллық, көтеринкилик, батырлық, мәртлик, сақыйлық, дослық ҳәм тағы басқа инсанға тән болған үлгилерди береді. Қарақалпақ ойшылы И.Юсупов өз дәрәтпелеринде инсанларға тән болған руўхый пазыйлетлерди төмендегише сүүретлейди.

Дүнья аз ўақтанда бәринге жетер,

Инсап пақыр азға қанаат етер,

Дүнья болған сайын нәпси деген ийт,

Шынжырын жулқылап қутырып кетер. [1:239]

деген қосық қатарларында инсанның нәпси ең биринши душпаны екенлиги ҳаққында сүүретлеп берген. Бундай көзқарасларды басқа динде де, илимпазларды теорияларында да көрип өтиўимизге болады. Соның менен бирге, илим-пән, искусство ҳәм халықлардың өзине тән болған салт-дәстүрлери инсан руўхый жетилисиўинде, гуманистлик идеяларды қәлиплесиўинде орны ги-реўли. Өйткени, инсан руўхыйлығының ажыралмас компонентлери болған үрп-әдет, дәстүрлер, әдеп нормалары гуманизмның өзегі есапланады. Халқымыз ҳәмме ўақыт жәмийеттеги ҳәм жеке турмысымыздағы әҳмийетли ўақыяларды салтанатлы түрде белгилүди үрдис етип, әсирлер даўамында өз дәстүрлерин ҳәм үрп-әдетлерин қәлиплестирип келди ҳәм оны жәмийетлик турмыс елегинде өткерди. Бул дәстүрлер ҳәм үрп-

әдетлер, өз нәўбетинде, адамлардың дүньяға көзқарасларына, әдеп-иқрамлық сыпатларына тәсир етип отырады [2:13-14]. Усының менен бир қатарда, әдеп мәселесин де итибар қаратса. Инсаният тарийхында жәмийеттиң раўажланыў барысында әдеп-иқрамлық мәселелери ҳәмме ўақытта да үлкен әҳмийетке ийе болып келген. Әдеплилик адамның ел арасында ҳүрметке ийе болып дыққатқа мияссар болыўының баслы тәртиби. Бул дүньяда ҳәмме бахыт излейди оны табыўдың бир жолы ҳәм бир дурыс усылы бар. Ол өзиниң үстиңнен өзин қадағалаў.

Адамзат өзиниң тарийхының барлық барысында ең баслы еки мәселениң: адамлар қалай жасаўы керек, олар нени ислеўи керек? (нени ислемеўи керек?) деген мәселениң дөгерегинде бас қатырады. Бул нәрсе—тәрбия жумысы болып, онда жақсылық ҳәм жаманлық не? Адамлардың өз ара қатнасы қандай болыўы керек? Өз исинде қандай идеяларды, ойларды басшылыққа алыўы керек, деген мәселе ортаға қойылады. Тәрбия дурыс болмаса онда инсан жақсылық ҳәм жаманлық арасындағы таласта қалып, гейпара себеплер арқалы я ол тәрәпке, я бул тәрәпке өтип кетиўи мүмкин. Қайсы жәмийетте әдепли ислер жолға қойылса, ол жәмийетте прогрессив раўажланыўлар көзге тасланады. Егер, жәмийетте хәтте бир адам әдепсиз болса, яғный өтирикши, мәккәр, жалатай, сатқын болса, ол адамның бул қәсийетлери жәмийетке тарап, жәмийетке үлкен зыянын тийгизип регрессив жағдайға алып келиў мүмкин. Әдеплилик нәсилден нәсилге берилмейди. Халық ауызеки дәрәтпелеринде айтылғанындай: «Урының баласы уры болады» деген пикирлерди толығы менен дурыс деп айтыўға болмайды. Себеби, адамның ким болыўы өзине байланыссы. Сондай-ақ, жеке адам өзи-өзинен әдепли киси болып та қәлиплеспейди. Әдеплилик адамның өсип жетилисиўинде өзи менен бирге өсип раўажланып, оған дөгерегиндеги адамлар, жәмийетлик институтлар, жәмәат, шаңарақ ҳәм объектив-субъектив факторлар тәсир етеди. Әдеплилик принципери, нормалары инсан болып қәлиплесиўдиң шарапатлы тийкары, руўхый өзегі болып, оны сырттан киргизиў ямаса тоқыў мүмкин емес. Әдеплилик адамның өзиниң усылы, ҳәм өмир жолы менен байланыссы. Әйемги грек философы Демокрит айтқанындай «Жақсы адам тәбиятынан көре шынығыўлардан көбирек қәлиплеседи» деген пикирлериде тәрбия жетилистирилип барыўшы кубылыс сыпатында көрсетилген. Адам әдеплиликке тәрбия арқалы ериседи. Бизлерге ата-бабаларымыз әдепли инсан ең әўели басқалар туўралы дурыс ойлаўды, адам менен адамның қатнасы барысында, сәўбетлесиў ўақтында хәдден аспаўды, сөзде де, исте де адамның кеўлине тиймеўди үйретип келген. Булардың ҳәммеси әдеп-иқрамлық